



ҚОРА-ОЛА ВА ГОЛШТИН ЗОТЛИ СИГИРЛАРНИ РАЦИОНАЛ ОЗИҚЛАНТИРИШНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ

Турсунбаева Ирода Шукурулла қизи,
Торешова Амина Уббиниязовна

*Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар
университети Нукус филиали*

Аннотация. Ушбу мақолада қора-ола ва голштин зотли сигирларнинг ёзги ва қишки рационларини таҳлил қилиш, экстерьер-конституционал, подани қайта тиклаш хусусиятлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар. Зот, пода, конституция, экстерьер, лактация, рацион, озиқа бирлик, пичан, сенаж, силос, сомон, барда.

Abstract. This article provides information on the analysis of summer and winter rations, exterior-constitutional characteristics, and herd reproduction characteristics of black-and-white and Holstein cows.

Keywords. Breed, herd, constitution, exterior, lactation, ration, feed unit, hay, haylage, silage, straw, bar.

Аннотация. В данной статье приведены сведения об анализе летних и зимних рационов, экстерьерно-конституциональных, восстановительных свойствах стада коров черно-пестрой и голштинской пород.

Ключевые слова. Порода, стадо, конституция, экстерьер, лактация, рацион, кормовая единица, сено, сенаж, силос, солома, барда.

Мавзунинг долзарблиги. Республикамизнинг наслчилиқ қорамолчилиқ фермер хўжаликларида ва аксарият деҳқон, шахсий ёрдамчи хўжаликларда қора-ола зотли қорамоллар, уларнинг голштин зоти билан дурагайлари ҳамда соф зотли голштин моллари урчитиб келинмоқда.

Қора-ола зоти тарқалиши бўйича биринчи ўринда бўлиб, республикамизнинг барча хуудларидаги наслчилиқ хўжаликларида улар кўп йиллар давомида голштин зотли буқалар билан чатиштирилиб турли бўғин дурагайлар подалари яратилган, шу билан бирга хориждан голштин зотли тана ва ғунажинлар келтирилиб урчитилмоқда. Қора-ола ва голштин зотли ғунажинларни туғишга тайёрлаш биринчи туғим сигирларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларини ўрганиш зарур.

Ушбу қорамолларни наслчилиқ фермер хўжалигида озиқлантириш ва сақлаш, хўжалиқ учун фойдали белгилари, айниқса уларнинг сут маҳсулдорлиги, сутнинг сифати, елиннинг морфофункционал хусусиятлари етарлича ўрганилмаган.

Ўзбекистон қора-оласи ва голштин зотли сигирларнинг маҳаллий озуқалардан тузилган рационлар ва сақлаш усулларига жавоби, экстерьер-конституционал, подани қайта тиклаш хусусиятлари (серпуштлиқ), сут маҳсулдорлиги, сутининг сифати,



елинларининг машинада соғишга мослиги, озуқаларга сут билан жавоб бериши, иқтисодий самарадорлигини ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади қора-ола, голштин зотларининг фермер хўжалиги шароити хўжалик учун фойдали белгилари, маҳсулдорлик ва насл, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларига таъсирини ўрганишдир.

Тадқиқотнинг вазифасига қуйидаги киради:

-қора-ола ва голштин зотли сигирларнинг ёзги ва қишки рационларини таҳлил қилиш;

Илмий янгилиги. Наслчилик фермер хўжалиги шароитида қора-ола ва голштин зотли биринчи туққан сигирларнинг тана, хўжалик учун фойдали белгилари, сут маҳсулдорлиги ва иқтисодий самарадорлиги ўрганилди.

Амалий аҳамияти. Қора-ола ва хориждан келтирилган голштин зотли сигирларни озиқлантириш ва сақлаш шароитларини ташкил қилиш, сигирлардан кўп, сифатли ва арзон сут ишлаб чиқаришни таъминлаш.

Хўжаликда жами 350 бош қорамоллар бўлиб, уларнинг 70 бошини Хитой голштинлари ташкил этади. Подалаги сигирлар нисбати 130 бош ёки 37,1 % ни ташкил этади. Хўжаликда ушбу кўрсаткични 50 фоизга етказиш ёки 150 бош сигир ушлаш, подани қайта тиклаш жадаллаштиради ва молларнинг насл ва маҳсулдорлик хусусиятлари тўхтовсиз яхшилаш имкониятларини беради. Бунинг учун урғочи бузоқ, тана ва ғунажинларни жадал ўстириш уларнинг 16-18 ойлигида 360-380 кг вазнга етказиб қочириш ва 25-27 ойлигида жадал ўстирилган ғунажинларни туғдиришни таъминлаш зарур. Подадаги ёш қорамоллар таналар ўз муддатларида ғунажин бўлиб сигирга кўчирилиши, наслдор буқачалар 13-14 ойлигида 450-500 кг вазнда бошқа фермер хўжаликларга сотилиши, у талабларга жавоб бермаган новвослар жадал ўстирилиб (800-1000 г суткалик семириш) 18 ойлигида 450-500 кг тирик вазнда гўштга топшириши керак. Ҳозир юқоридаги талаблар тўлиғича бажарилмаётир, бунинг учун янги туғилган бузоқлар сут ичириш схемаси (250-350 кг), 6 ойликкача бузоқлар эса илғор озиқлантириш схемалари бўйича ўстирилиб 6 ойлигида 160-180 кг вазнга эришиши даркор. Бунинг учун бузоқлар жадал ўстирилиб тўйимли ва биологик актив моддалар билан тўлиқ таъминланиши керак. 6 ойдан кейин келиб чиқиши, эксерьер вазн кўрсаткичлари бўйича эркак бузоқлар насл ва гўшт гуруҳларига, урғочи бузоқлар эса насл (ўз подасини тўлдириш учун) ва бошқа фермер хўжаликларида сотишга мўлжалланган гуруҳларга ажратиб ўстирган маъкул.

Наслдор буқаларни 13-14 ойлигида 450-500 кг вазнга эришилиши, шу даврда барча сотиш учун зарур зоотехникавий ва ветеринария хужжатлари тайёр бўлиши, буқачаларни ким ошди савдоси орқали мўмай пулга сотишни талаб этади.

Насл учун ажратилган таналар жадал ўстирилиши даврий (6, 9, 12, 15, 18 ой) баҳолаш, келиб чиқиши, экстерьер –конституцияси ва тирик вазни бўйича



устунларини ажратиб 16-18 ойлигида уруғлантириш, қолганларини эса виранжировка қилиб фермер ва деҳқон хўжаликларига нақд пулга сотиш керак.

Туғилгандан кейин хўжалик кўрсаткичларига жавоб бермаган таналарни (озуқа заҳираларини инобатга олган ҳолда 6 ёки 12 ойлигида сотиб юбориш мумкин.

Новвосларни ҳам гўштга узоқ муддат 18-20 ойликкача боқишни иқтисодий нуқтаи-назардан ўрганиб чиқиш керак, ёки озуқа заҳиралари етишмаслиги кўзда тутилса 6 ёки 12 ойлигида ҳаваскор бўрдоқчиларга нақд пулга сотиб юбориш мумкин.

Фермер хўжалигида келажакда ғунажинларни туғишга тайёрлаш тадбирларини ташкил қилиш керак. Яъни ғунажинларни тўлақийматли тенглаштирилган рационлар (85 % ҳажмлиги, 15 % ем) бўйича боқиш, улар елинини буғозлигининг 7-9 ойлигида қўл ёки ускуналар ёрдамида укалаш серсут ва машинада соғишга мослашган 1 туғим сигирлар етиштириш имконини беради.

Ғунажинларни туғишга 10 кун қолганда туғруқ цехига ўтказилади. 1 туққан сигирлар 15 кундан 100 кунгача ташкилий, зоотехникавий тадбирлар ёрдамида сутини кўпайтириш тадбирлари ўтказилади, натижада энг серсут ва технологик хусусиятлари юқори сигирлар хўжаликда қолдирилиб, талабга жавоб бермаганлари эса лактация даври тугашини кутиб турмасдан бошқа товар хўжаликларига сотиб юбориш мумкин.

Фермер хўжалигида 3 сигирхона, 2 бузоқхона, айвонлар (эски русумда), силос ва сенаж хандаклари, озуқа цехи, сунъий уруғлантириш пункти, ветеринария клиникаси, тарози (автотортгич), дезбарер, дезйўлак, санитария-ўтказиш жойи, маъмурий хоналар мавжуд бўлиб барча ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилиш имкониятлари мавжуд.

Сигирлар молхона-ййраш майдонлари ёки анъанавий усулда сақланади. Яъни сигирлар соғиш пайтида боғлаб (ем озуқалар ҳам берилади), қолган пайтларда сигирлар ййраш майдонларида бўлиб, ҳажмли озуқаларни уни атрофига қўйилган охурлар орқали ейди.

Суғориш ййраш майдончаларига қўйилган сув охурлари орқали амалга оширилиб улар муттасил янги сув билан таъминлаб турилади. Озуқалар суткасига 3-4 марта тарқатилади, афсуски қўл билан, яъни техника орқали амалга оширилмайди.

Соғиш қўлда бажарилиб ҳар бир соғувчига 15-20 бошдан сигир беркитилган. Соғишга сигирлар анъанавий усулда тайёрланиб соғилади, охурида қолдиқ сутни соғиб олиш амалга оширилмайди. Соғиш олдидан тайёрлов укалашини ўтказиш ҳам сигирларни сут маҳсулдорлигини кўпайишига ижобий таъсир этган бўлур эди.

Буғоз сигирлар гуруҳлаб айвонли ййраш майдонларида сақланиб алоҳида рационларда боқилиб туғишига 10 кун қолганда туғруқ бўлимига ўтказилади. Сигирлар боксларда (2 x 3 x 2) туғдирилиб 2-3 кун бузоқлари билан қолдирилади (оғиз сутига тўйдириш учун) кейин профилакторияга ўтказилиб 10-15 кунгача онаси сутни билан боқилади. Бузоқларни ўстириш даврида бир бузоққа 220-250 кг қаймоғи олинмаган сут сарфланади. Қаймоғи олинмаган сут 2 ой берилади, кейин бузоқлар озиқлантириш схемаси бўйича асосан ҳажмли ва кам микдорда ем билан боқилиши.



натижасида ошқозон-ичак тизими яхши ривожланган ҳайвонлар шаклланишига сабаб бўлмоқда.

6 ойдан кейин эркак ва урғочи бузоқлар ажратилиб гуруҳлаб сақланади. Улар рационнинг асосий қисмини ўсимлик озуқалари ташкил этади. Сигирлар учун қишки ва ёзги рационлар тузилиб унда сигирларнинг тирик вазни кунлик сут маҳсулдорлиги ва сутининг ёғлилиги инобатга олинади. Қиши рационда пичан, сенаж, силос, сомон, барда ва емдан, ёзги рацион дуккакли ва бошоқли кўк ўтлардан тузилган.

Хўжаликда озуқа цехи бўлишига қарамасдан баъзи дастгоҳлар ишламаслиги учун фаолият кўрсатмайди. Агарда цех иўлаганда хўжаликда молларни бир типли озиқлантиришга ўтказиш мумкин бўлиб, ҳайвонлар учун мос бўлиб, иқтисодий самарали бўлиб ҳисобланади.

Хўжаликда ем-хашак етиштиришга алоҳида эътибор берилади.

Хўжаликда жами 107 га экин майдони бўлиб уларга тўлиқ озуқа экинлари экилади:

-маккажўхори -5 га

-эски беда -45 га

-оралиқ экин -40 га

-янги беда -12 га

Хўжаликда озуқабоп экинларни ўстиришнинг илғор технологиялари қўлланилади. Яъни агротехник тадбирлар ўғитлаш, культивация, ҳашорат ва зараркунандаларга қарши кураш ўз вақтида ўтказилиш натижасида юқори ҳосилдорликка эришилиб келинмоқда.

Баҳорда беда борона ёки чизел қилиниб фосфорли ва калийли ўғитлар солиниб, куруқ (пичан) ҳисобида 100-120 ц масса олинмоқда.

Хўжаликда асосий эътибор оралиқ экинларга (рапс, сули, арпа, жавдар, хашаки нўхот) берилиб кўп, сифатли, арзон озуқалар етиштириш таъминланмоқда. Улар эрта кузда экилиб агротехник тадбирлар ўтказилиши натижасида апрел охирларидан кўк ўт учун, май ойининг 10-15 санасидан сенаж учун ўриб олиниб, ўрнига такрорий маккажўхори экилади, у жадал ўстирилиб (300-500 кг азот фосфорли, калийли ўғитлар) сентябрнинг охири ва октябр ойининг бошида силос учун ўриб олиниб ҳар 1 гектар ердан 500-550 центнер ҳосил олиш таъминланади, шу йўл билан 1 гектар ер ҳисобига 120-150 центнер озиқа бирлиги олиши таъминланиши натижасида хўжалик моллари озуқалар билан асосан таъминланмоқда.

Силос хўжаликда бетонлаштирилган ҳандакларга маккажўхори ва бошоқли аралаш озуқалар дони сут-қатиқ бўлганда (65-70 фоиз намликда) 3-5 см узунликда майдаланиб ҳандакларга босилиб занжирли оғир тракторлар билан ҳаво қолмагунча шиббаланади. Чуқур тўлгандан кейин унинг устига озуқа қолдиқларини сочилиб полиэтилен плёнка билан ва 30-40 см тупроқ билан ёпилади.

Сенаж беда ва аралаш бошоқлилар ғунчалаган пайтда ўрилиб 0,5-1,0 кун қолдириб (сўлителиб) намлиги 45-55 % бўлганда 3-4 см узунликда майдаланиб чуқурга босилиб,





шиббаланиб, полиэтилен плёнка ва тупроқ ёпиш унинг устидан шиббалашни охирига етқазиш ва массани намлик, музлашдан сақлайди.

Иложи борица хўжаликнинг ер майдонини кўпайтиришни ҳокимият олдига қўйиш, янги серҳосил озуқа экинлари ва навларини жорий қилиш орқали қўшимча озуқалар етиштириш мумкин.

Хулоса. Сигирларга хўжаликда бор озуқалардан ва тўйимлилиги бўйича 20 % дан кўпроқ ем озуқалардан фойдаланиш сигирлардан етарли сут соғиб олишни таъминлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. www.komovbvor.ru
2. www.biblus.ru
3. www.jivotnostvo.ru
4. www.yellouvpades.com

